

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**КАРИМЖАНОВА НАРГИЗА ИЛХАМДЖАНОВНА**

**СУРУНКАЛИ ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТЛИ БОЛАЛАРДА КЎРИШ  
АЪЗОСИ ҲОЛАТИНИ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ БАҲОЛАШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каримжанова Наргиза Илхамджановна**

Сурункали гломерулонефритли болаларда кўриш аъзоси холатини  
клиник-функционал баҳолаш..... 3

**Каримжанова Наргиза Илхамджановна**

Клинико-функциональная оценка состояния органа зрения у детей с  
хроническим гломерулонефритом..... 23

**Karimjanova Nargiza Ihamdjanovna**

Clinic-functional assessment of the state of the visual organ in children with chronic  
glomerulonephritis..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**КАРИМЖАНОВА НАРГИЗА ИЛХАМДЖАНОВНА**

**СУРУНКАЛИ ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТЛИ БОЛАЛАРДА КЎРИШ  
АЪЗОСИ ҲОЛАТИНИ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ БАҲОЛАШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib889 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.eye-center.uz](http://www.eye-center.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Камилов Халиджан Махамаджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бузруков Ботир Тулкунович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Абдрахманова Сагира Токсанбаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Қозоғистон Республикаси “Фахрий ёрлик” ордени номли кўз касалликлари илмий текшириш институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Ш. А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М. Х. Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда болалар буйрак касаликклари ортиб бориши натижасида куриш ўткирлигини пасайишига олиб келиши ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта муаммоларга олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра болалар буйраклари касалликлари – бу буйрак коптокчаларининг ўткир ёки сурункали инфекция - аллергия яллиғланиш касаллиги бўлиб, бунда коптокчалар функцияси бузилади. Ҳозирги вақтда дунёда болалар буйраклари касалликлари билан боғлиқ турли нуқтаи назарларни амалга оширишда юз берган шиддатли маълумотлар жорий қилинишининг жуда кўплигига қарамасдан педиатрия ва умуман тиббиёт учун ушбу патология долзарблигича қолмоқда. Болаларда нефропатияларнинг асосий шакллари билан бири бўлган сурункали гломерулонефрит кўп ҳолларда сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келиши ва кўриш аъзосига таъсири муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сурункали буйрак касалликлари билан хасталанган болаларда кўрув аъзоси қон айланиши бузилишининг келиб чиқиши, кечиши ҳамда кўздаги ўзгаришларни эрта аниқлашга қаратилган қиёсий ташҳислаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, кўрув аъзоси касалликларини ташҳислаш ва даволашга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар кўз тубидаги ва умуман, кўз олмасидаги ўзгарган қон томирлар ҳолатини тўлиқ ифода эта олмайди. Ушбу ҳолат эса, сурункали гломерулонефритда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни келиб чиқиши ва кечишини бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳамда касалликни эрта аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишни тақозо этади турли шакллари даволашда, клиник ва функционал хусусиятларини аниқлашда дифференциал ёндашиш самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар орасидаги касалликларда куриш қобилияти пасайишини эрта аниқлаш бўйича чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан офтальмологик касалликларни камайтириш бўйича «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»<sup>1</sup> каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда аёллар болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, болаларда учрайдиган куз ва буйрак

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқишга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ – 5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 – 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup> ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот иши Республика фан ва техника ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мос ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларининг кўплаб тадқиқотлари натижасида сурункали гломерулонефрит кўриш пасайишига, буйракларнинг ва юракнинг сурункали етишмовчилигига ҳамда

э  
р  
т  
а

н  
о

г “Сурункали гломерулонефритли болаларда сурункали иломерулонефритнинг гормонга боғлиқ ва гормонга резистент вариантлари ва реинчалик кўриш ўткирлигининг бузилишларига олиб келадиган кўз томирларидаги микроциркуляция бузилишлари юракнинг чап қоринчаси гипертрофияси, буйракларнинг сурункали етишмовчилиги ривожланишигача етиб борадиган буйраклар функцияларининг энг ифодаланган бузилишлари юзатилади”( Савенкова Н.Д.)

к Полякова И.В. фикрига кўра, “Бульбар конъюнктива микроциркуляциясини текшириш майда қон томирлар даражасидаги ўзгаришларни кўрсатиб берди, буйракларнинг қон томирлари функционал ҳолатини доплерографик усул билан текшириш буйраклардаги қон

ө

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони  
ИМакарова Т.П. Заболевания почек у детей//Монография. 2019.

б

к

е

оқимининг тезлик параметрлари пасайишини ва резистентлик индекси ошишини аниқлади”. Сурункали гломерулонефритда ва унинг турли кечишида кўриш аъзоси функциясини баҳолашга оид тадқиқотларнинг тарқоқлиги ва комплекс ёндашиш йўқлиги амалга оширилаётган даволаш-реабилитацион тадбирларнинг етарлича самарасиз бўлаётганлигини изоҳлайди.

Республикамизда ҳозирги кунгача эришилган ютуқларга қарамасдан, “сурункали гломерулонефритда кўзда қон айланишининг бузилишини эрта ташхислаш мезонлари мавжуд эмас, мамлакатнинг бирламчи бўғинида, шу жумладан, чекка вилоятларда сурункали гломерулонефритни ривожланишини кўздаги белгиларини эрта ва қиёсий ташхислаш усуллари мавжуд эмас” (Даминов Б.Т. 2018, Рахманова Л.К. 2019). Мазкур усулларнинг мавжуд эмаслиги патогенетик йўналтирилган даволаш чораларини амалга оширишга имкон бермайди. Бундан ташқари, кўп ҳолларда организмнинг ёндош касалликларини инобатга олиб, тўғри ва мувофиқлаштирилган даво чораларини буюриш ҳамда уларни назорат қилишда сезиларли қийинчиликлар мавжуд. Бу жараёнда кўз ва буйракдаги қон айланиш бузилишини эрта ва таққослама ташхислаш, даволаш усуллари ҳамда назорат қилиш алгоритминини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилиши зарурлигини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Умумий жарроҳлик ва тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда янги технологиялар» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар асосида бажарилган (№02090009).

**Тадқиқотнинг мақсади** болалардаги сурункали гломерулонефритда патогенетик терапия услуби билан коррекциялашдан олдин ва кейинги кўрув аъзоларидаги ўзгаришларни ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали гломерулонефритли болаларда кўзларнинг олдинги ва орқа бўлимлари ҳолатини аниқлаш;

сурункали гломерулонефритли болаларда кўзлар ва буйрақлар қон томирларидаги қон оқими ҳолатини аниқлаш;

сурункали гломерулонефритда кўриш аъзоси ва буйрақлардаги гемодинамик бузилишларни қиёсий таққослашни амалга ошириш;

сурункали гломерулонефритли болаларда анъанавий терапиядан олдин ва кейин кўриш аъзоси ҳолатини аниқлаш;

сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларни комплекс даволашда Хофитол препарати самарадорлигини баҳолаш йўли билан патогенетик терапия услубини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг болалар шифохонасида 2009-2019 йилларда сурункали глмерулонефрит

ташхиси билан даволанган болалар 92 нафар бемор болалар (184 кўз) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида сурункали гломерулонефритли болаларда кўрув аъзоси ва буйраклар томирларнинг гемодинамик параметрлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда, визиометрия, биомикроскопия, пневмотонометрия, авторефрактометрия, офтальмоскопия оптик когерент томография, кузлар ва буйракларнинг ультратовушли доплерографияси, клиник, лаборатор, инструментал текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали гломерулонефритли болаларда кечиши, кўриш ўткирлиги, кўзлар ва буйраклар кон томирлардаги макро- ва микрогемодинамика, микроциркуляция бузилишлари орасида корреляцион боғлиқлиги исботланган;

сурункали гломерулонефритли болаларда комплекс текширишлар асосида кўзларнинг шикастланишларининг клиник-функционал тавсифи ишлаб чиқилган;

болаларда сурункали гломерулонефритда кўзлар ва буйраклар томирларида макро- ва микрогемодинамика бузилганлиги асосланган;

болаларда сурункали гломерулонефритда кўрув аъзосидаги ўзгаришларни патогенетик йўналтирилган даволаш кўздаги морфофункционал ўзгаришларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда бульбар конъюнктива микроциркуляциясининг, кўзлар ва буйракларнинг макро- ва микрогемодинамикаси, кўриш аъзолари функциялари бузилишлари аниқланган;

сурункали гломерулонефрит билан хасталанган болаларда ижобий клиник самарага, кўриш аъзолари бузилишлари клиник симптомларининг регрессиясига ва касаллик оқибатларини яхшилайдиган даволаш услуги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги**

замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги ҳамда клиник, офтальмологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, сурункали гломерулонефрит билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашда замонавий илмий-амалий фаразларга ва ёндашувларга асослангани ва вазифаларни ҳал этиш тиббий статистиканинг замонавий тасдиқланган усуллари билан амалга оширилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган



хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, шикастланиш якунларининг тасдиқланган башорат мезонларини ҳисобга олган ҳолда сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда куз ва буйракларда микроциркуляция, макро- ва микрогемодинамика ва кўриш аъзолари функциялари бузилишларини эрта аниқлаш ва ташхислаш, билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки тавсия қилинган патогенетик даволаш усули болаларда сурункали гломерулонефритни кечишига қараб, клиник ҳолатини яхшилаш, биокимёвий, макро- ва микрогемодинамика параметрларини, кўриш функциясини меъёрлаш, касалликни эрта аниқлаш ва патогенетик йўналтирилган даволаш самарадорлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшиланиши, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини пасайиши ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириши билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Кўрув аъзоси ўзгаришларини эрта аниқлаш, шунингдек сурункали гломерулонефритни даволаш услубларини такомиллаштириш борасида олинган натижалар асосида:

сурункали гломерулонефритда болалар кўриш аъзолари ўзгаришларини ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Сурункали гломерулонефритда болалар кўриш аъзолари ўзгаришларини эрта ташхислаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабрдаги 8н-д/254-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали гломерулонефритли болаларда кўриш бузилишларининг ташхисий ва башорат мезонларини уз вақтида аниқлаш ва уларнинг самарали даволашга имкон берган;

сурункали гломерулонефритда болалар кўриш аъзолари ўзгаришларини эрта аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон, Навои ва Сирдарё вилоят офтальмология шифохоналари амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 декабрдаги 8н-д/254-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар сурункали гломерулонефритли беморларда кўриш аъзолари ўзгаришларини эрта ташхислаш ва хавfli асоратларни олдини олиш самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр

этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, илмий ишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги келтирилган, изланишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Замонавий шароитларда болалардаги сурункали гломерулонефрит этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхисоти ва даволаш”**, деб номланган биринчи бобида давлатимиз ва хорижий адабиётлар асосида кўзнинг ишемик синдроми муаммосининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган. Сурункали гломерулонефритнинг этиологияси ва патогенези, микроциркуляция ҳолати ва ривожланиш механизмлари ҳақида мукаммал илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Ҳозирда мавжуд бўлган даволаш услублари, уларнинг натижалари, усутунликлари ва камчиликлари баён қилинган. Келгуси тадқиқотларда текширилиши шарт бўлган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Текширилган беморлар тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида текшириш услубларини, шу жумладан стандарт, махсус офтальмологик, инструментал, лаборатор ва статистик усулларини ўз ичига олган клиник материалнинг умумий тавсифи келтирилган.

Тошкент тиббиёт академиясининг болалар клиникасида 2009 йилдан 2019 йилгача стационар даволанган 92 нафар болалар (184 та кўз) комплекс текширилди. Маълумотлар таҳлили кўрсатдики, ўғил болалар сони қиз болалар сонидан устун келди: ўғил болалар – 60 нафар, қиз болалар – 32 нафар. Беморлар ёши 5 ёшдан 14 ёшгача ўзгариб турди, ўртача ёш қиймати  $9,2 \pm 0,4$  йилни ташкил қилди.

Тадқиқотга сурункали гломерулонефритнинг нефротик шаклига эга бемор болалар киритилди ва сурункали гломерулонефритнинг кечишига боғлиқ ҳолда 2 та гуруҳга ажратилди: I гуруҳни сурункали гломерулонефритнинг гормонга сезгир кечиш вариантыга эга 54 нафар бемор болалар (108 та кўз) ташкил қилди. II гуруҳга сурункали гломерулонефритнинг гормонга боғлиқ вариантыга эга 38 нафар болалар (76 та кўз) киритилди. Даволаш натижалари таҳлили натижасида болалар яна икки

гурухга ажратилди: 1-гурухни 55 нафар – 39 таси гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли ва 16 таси гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли, ўз ичига стероид гормонларни, курантилни, гепаринни, диуретикларни, цитостатикларни ва симптоматик терапияни олган анъанавий даволашда бўлган беморлар ташкил қилди. 2-гурухга 30 нафар, 15 таси гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли, 15 таси гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли, анъанавий терапия билан бирга Хофитол препаратини олган беморлар киритилди. Сурункали гломерулонефритли болаларнинг 66 тасида (71,7%) буйраклар функциялари бузилган бўлиб чиқди. Буйраклар функцияси сақланган гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли бемор болалар орасида касаллик давомийлиги 3 йилдан кўп бўлган болалар устун келди, буйраклар функцияси бузилган гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритга эга болалар орасида эса касаллик давомийлиги анча узоқ бўлиб чиқди. Назорат сифатида худди шу ёшдаги 20 нафар амалда соғлом болаларни текшириш натижалари хизмат қилди. Кўрув аъзосининг функционал ҳолатини текшириш учун қуйидаги услублар қўлланилди: ташқи кўздан кечириш, биомикроскопия, бевосита офтальмоскопия, визометрия, периметрия, тонометрия. Компьютерли статик периметрияни Humphrey Field Analyzer 740i (Carl Zeiss Meditec inc.) периметри ёрдамида 30-2 марказий бўсаға тести ва 60-4 периферик тести билан амалга оширилди. Кўрув нервининг диски параметрларини баҳолаш учун беморларда текширувлар Cirrus HD – OCT (Zeiss, Spectral Domain Technology) оптик когерент томографда бажарилди. Кўрув нервининг диски соҳаси (ONH баённомаси) ва макуляр соҳа (GCC) текширилди. 3-D тартибда рангли доплерографик картирлаш билан ультратовушли текширишлар контакт транспальпелбрал услубда кўп функцияли ультратовушли ускуна ёрдамида амалга оширилди. Тадқиқотлар кўп мақсадли «VOLUSON 730 ProGe» диагностик тизимда нурланиш частотаси 10 МГц бўлган чизиқли электрон датчик қўлланилган ҳолда олиб борилди. Барча беморларда умумқабул қилинган клиник-лаборатор текширувлар (шикоятлар, анамнез, кўрик, қоннинг, сийикнинг умумий таҳлили, Зимницкий, Нечипоренко синамалари, мочевино ва креатинин) бажарилди.

Диссертациянинг **“Болалардаги сурункали гломерулонефритда кўрув аъзоси ва буйраклар ҳолати”** деб номланган учинчи бобида сурункали гломерулонефритнинг турли кечишига эга болаларда кўзлар ва буйраклардаги қон айланиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Масалан, назорат гуруҳида кўз қон томирларидаги қон оқимининг доплерографик параметрларини таҳлил қилиш систолик тўлқиннинг баланд чўққисига эга артериал қон оқимининг пульсацияловчи хусусиятини аниқлади.

1-жадвал

Сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда кўз томирларида қон айланиши ҳолати (M±m)

Кўз томирлари	Текширилган гуруҳлар	Кўрсаткичлар		
		Vmax см/с	Vmin см/с	RI
Кўз артерияси	ГССГ n=54	31,6±1,81*	6,26±0,60*	0,81±0,02*
	ГБСГ n=38	23,2±1,22*	5,2±0,51*	0,85±0,03*
	Назорат гуруҳи n=20	40,6±1,63	11,3±0,70	0,68±0,02
Тўр парда марказий артерияси	ГССГ	8,38±0,71*	4,13±0,14*	0,73±0,03*
	ГБСГ	6,15±0,43*	3,26±0,1*1	0,80±0,02*
	Назорат гуруҳи	16,1±1,02	5,0±0,05	0,64±0,03
Орка калта цилиар артерия	ГССГ	11,32±0,53*	4,45±0,31*	0,67±0,04*
	ГБСГ	9,8±0,64*	3,7±0,22*	0,069±0,03*
	Назорат гуруҳи	15,32±0,81	6,2±0,04	0,65±0,03

Эслатма: \* – меъёрга солиштирганда фарқлар ишончилиги (P≤0,05).

Шу билан бирга, сурункали гломерулонефритли беморларда кўзнинг томирларида гемодинамика бузилиши қайд қилинади. Масалан, назорат гуруҳига солиштирганда гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда кўз артериясида Vmax ва Vmin 22,2% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли болаларда, мос равишда 42,9% ва 44,6% га пасайган (p<0,05). RI эса гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит ва гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморларда мос равишда 19,1% ва 25,0% га ошган (P<0,05). Тўр парданинг марказий артериясида қон оқимини ўрганиш натижалари кўрсатдики, назорат гуруҳига таққослаганда гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда Vmax, Vmin 48% ва 17,4% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда эса – 61,9% ва 34,8% га, RI эса, мос равишда 14,0% ва 25,0% га ошган (p<0,05). Орка калта цилиар артерияси гемодинамика параметрларини ўрганишда аниқландики, назорат гуруҳига солиштирганда гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли беморлар гуруҳида қон оқимининг максимал ва минимал тезлиги 26,2% ва 28,3% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморлар гуруҳида 36,1% ва 40,4% га пасайган (p<0,05). Назорат гуруҳига солиштирганда гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли беморларда резистентли индекс (RI) 19,6% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда эса 23,2% га ошган. Тадқиқотда кўз ишемияси коэффиценти ҳисоблаб чиқилди – бу RI кўз артерияси/RI тўр парданинг марказий артерияси нисбати ва умумий ретинал индекс (кўрув нерви дискининг ишемияси коэффиценти) – RI кўз артерияси/R орка калта цилиар артерия нисбати. Ишемия индексининг 0,86 дан пасайиши кўриш аъзосининг ишемик шикастланганлигидан далолат беради. Сурункали гломерулонефритда беморларнинг 56,4% да ишемия индексининг 0,86 дан пасайиши қайд этилди, у 43,6% беморда ишемия индекси меъёр даражасида бўлди. Шунга асосланиб сурункали гломерулонефритли беморларга ташхис қўйилди: Кўриш аъзосининг ишемик шикастланиши. Сурункали

гломерулонефритли беморларда офтальмо-ретинал индекснинг патологик рақамлари бўлмади. Шундай қилиб, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли болаларда кўз қон томирларида қон айланишини текширганимизда систолик тўлқиннинг яссиланиши ва резистентлик индекси ошиши билан қон оқимининг максимал тезлигининг жиддий секинлашиши ва касалликнинг оғирлиги ҳамда давомийлигига боғлиқ ҳолда улар ифолдаланганлигининг ортиб бориши қайд қилинди. Гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли болаларда кўриш аъзоларида аҳвол оғирлиги билан корреляция қиладиган қон айланиш бузилиши аниқланди, бу амалга оширилаётган терапияни коррекциялашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

## 2-жадвал

### Сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда буйраклар томирларидаги қон айланиш ҳолати ( $M \pm m$ )

Буйрак томирлари	Текширилган гуруҳлар	кўрсаткичлар		
		Vmax см/с	Vmin см/с	RI
Буйрак артерияси	ГССГ n=54	72,5±6,51*	23,3±2,41*	0,77±0,02
	ГБСГ n=38	61,2±7,64*	19,6±2,85*	0,80±0,01*
	назорат гуруҳи n=20	89,3±8,12	32,5±2,93	0,67±0,02
Сегментар артерия	ГССГ	31,2±3,05*	17,6±1,91	0,76±0,02*
	ГБСГ	24,3±4,12*	15,3±1,74*	0,80±0,02*
	назорат гуруҳи	45,4±3,65	22,5±2,12	0,65±0,02
Бўлаклараро артерия	ГССГ	24,3±2,03*	9,11±0,81*	0,54±0,02
	ГБСГ	19,8±3,12*	7,13±0,72*	0,51±0,04*
	назорат гуруҳи	32,7±2,43	13,1±1,12	0,64±0,02
Бўлакчалараро артерия	ГССГ	17,1±1,65*	7,08±0,63*	0,54±0,02*
	ГБСГ	15,1±1,82*	5,17±0,68*	0,50±0,02*
	назорат гуруҳи	23,2±1,92	11,2±1,05	0,64±0,03

Эслатма: \* – меъёрга солиштирганда фарқлар ишончлилиги ( $P \leq 0,05$ ).

Буйраклар қон томирларида гемодинамика текширилганида буйрак артериясида (БА), сегментар артерияда (СА), бўлаклараро артерияда (БЛА), бўлакчалараро артерияда (БЧА) қон оқимининг максимал тезликлари, резистентлик индекси (RI) ўрганилди. Олинган натижалар 3.2-жадвалда келтирилган. 3.2-жадвалда кўрсатилганидек, назорат гуруҳига солиштирганда, гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда буйрак артериясида Vmax ва Vmin мос равишда 18,9% ва 28,3% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда – 31,5% ва 39,7% га пасайган ( $P < 0,001$ ). Гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит билан хасталанган болаларда RI 14,9% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморларда эса 19,4% ошган бўлиб чиқди ( $P < 0,05$ ).


Буйрак артериясида қон оқимини текшириш кўрсатдики, назорат гуруҳига таққосланганда, гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли болаларда Vmax ва Vmin 31,3% ва 21,8% га, гормонга боғлиқ сурункали

гломерулонефритда эса – 46,5% ва 32,0% га камайган ( $P < 0,001$ ). Бунда, назоратга солиштирганда,  $RI$  мос равишда гормонга сезгир сурункали гломерулонефритда 16,9% га, ва гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда 23% катталашган ( $P < 0,05$ ).


Бўлаклараро артерияда гемодинамика параметрларини ўрганиш кўрсатдики, гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли беморлар гуруҳида  $V_{max}$  ва  $V_{min}$ , мос равишда, 25,7 % ва 30, 5% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда эса 30,5% ва 45,6% га пасайган, резистентлик индекси эса, назорат гуруҳи маълумотларига солиштирганда, гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли беморларда 15,7%, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда 21,4% га камайган ( $P < 0,05$ ).

Бўлакчалараро артерияда қон оқимини ўрганиш натижалари кўрсатдики, назорат гуруҳига солиштирганда, гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли гуруҳ беморларида  $V_{max}$ ,  $V_{min}$  ва  $RI$ , мос равишда 26,3%, 36,3% ва 15,6% га, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморлар гуруҳида эса 34,9%, 53,9%, 53,9% ва 21,4% га ( $P < 0,05$ ). Демак, олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, сурункали гломерулонефритли болаларда кўз томирлари гемодинамикаси бузилади, улардаги дисбаланс  $V_{max}$  ва  $V_{min}$  пасайиши, кўз артерияси, тўр парданинг марказий артерияси ва орка калта цилиар артериядада, шунингдек буйраклар томирларида  $RI$  ошиши, барча буйраклар томирларида  $V_{max}$  ва  $V_{min}$  пасайиши,  $RI$  нинг буйрак артерияси, сегментар артерияда ошиши ва бўлаклараро артерия, Бўлакчалараро артерияларда пасайиши билан намоён бўлди. Касалликнинг кечиши давомийлиги узок бўлган ва буйраклар функцияси издан чиққан гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморларда кўз ва буйраклар томирларида гемодинамика бузилишлари анча баланд. Болаларда сурункали гломерулонефрит ривожланишида асосий патогенетик бўғин бўлиб сурункали гиперазотемия, протеинурия хизмат қилади. Буйракларнинг структур компонентларига шикастловчи таъсир механизми авваламбор буйраклар гемодинамикаси бузилишлари, хусусан гиперфилтрация ва коптокча ичи гипертензияси билан боғлиқ. Шиш, некроз, кейинчалик буйрак коптокчаларининг фиброзланиши буйрак артериясидан сегментар, бўлаклараро ва бўлакчалараро шохлари бўйлаб ўтадиган табиий артериал қон оқимини узади.

Масалан, кўрув нерви диски (КНД) ўзгаришлари 56 нафар (60,9%) беморларда сурункали гломерулонефрит кечишига боғлиқ ҳолда бир томонлама хусусиятга эга бўлди. Гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморларнинг 14 (41,2%) учун кўрув нерви диски проминенцияси билан бирга ишемик шиш, 24 (70,6%) бемор болалар учун – артериялар торайишлари ва штихсимон қон кетишлар мавжудлиги хос бўлди, шу билан бир вақтда гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли беморларнинг 21 нафариди (38,9%) кўз тубида артериялар торайишидан ташқари ўзига хос ўзгаришлар қайд қилинмади ( $P < 0,05$ ).



**1-расм. Гормонга сезувчанлик сурункали гломерулонефритли бемор кўз туби манзараси**



**2-расм. Гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли бемор кўз туби**

Гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда кўз туби манзараси касалликнинг оғирлиги ва давомийлигига боғлиқ ҳолда ўзгарди: ишемик шиш 6 та (85,7%) беморларда, артериялар торайиши ва қон кетишлар – барча бемор болаларда қайд қилинди. Касалликнинг узоқ вақт кечишида томирлар сони камайиши, уларнинг дилатацияси, қон кетишлар ва макуляр шиш билан бирга кечган чегаралари ноаниқ оч-пушти рангли шиш хос бўлди. Шундай қилиб, кўрув нерви диски ва тўр парда ҳолатини таҳлил қилганимизда касаллик кечишига боғлиқ ҳолда кўрув нерви диски рангида, ўтиш градиентларида ва томирлар ҳолатида анча катта фарқ қайд қилинади. Офтальмоскопияда ўзгаришларни аниқлаш имкони бўлмаса ҳам сурункали гломерулонефритдаги кўрсаткичлари ва амалда соғлом боаллар кўрсаткичлари орасидаги фарқни қайд қилишимиз керак ( $P < 0,05$ ). Масалан, ўтиш градиентларини таҳлил қилганимизда аниқландики, энг паст ўтиш градиенти, яъни энг ифодаланган шишга гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритнинг кўзиш давридаги кўрув нерви диски эга бўлди, шу билан бир вақтда гормонга сезгир сурункали гломерулонефритда кўрув нерви диски унча кучли ўзгаришларга эга эмас ва фақат томирлар торайиши ҳамда тўр парданинг бироз шиши қайд қилинади ( $P < 0,05$ ). Томирларнинг калибри, миқдори ва шохланиш бурчаклари таҳлил этилганда ҳам сурункали гломерулонефритнинг турли кечиш вариантларида статистик ишонарли фарқ қайд қилинади. Сурункали гломерулонефритда томирлар миқдори 26 нафар (28,2%) беморларда камайган, артериолалар калибри 71 нафар (77,2%) беморларда торайган, шу билан бир вақтда 72 нафар (78,2%) беморларда венулалар кенгайган ( $P < 0,05$ ), бунинг натижасида А/В коэффицент пасаяди, бу тўр парданинг қон билан таъминланишининг етишмовчилигини кўрсатади. Томирларнинг эгри-бугрилиги, шохланиш бурчаги гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда 24 нафар (81,6%) беморларда тўғри бурчакдан катта бўлди, гормонга сезгир сурункали гломерулонефритда эса меъёр қийматлар даражасида бўлди ( $P < 0,05$ ).

Сурункали гломерулонефритнинг гормонга боғлиқ шаклида венулаларнинг дилатацияси билан бир вақтда артериолалар спазми мавжудлигини қайд қилиш лозим.

Жуфт кўзни текширганимизда, кўз тубидаги аниқ ўзгаришлар йўқлигига қарамасдан, меъёрга солиштирганда кўрув нерви дискининг рангпарланиши қайд қилинди. Кўпчилик ҳолатларда пастки ва юқори секторларда ўтиш градиентининг камайиши, артериолалар торайиши ва А/В коэффициент ўзгариши сурункали гломерулонефритда тизимли шикастланиш ҳақида гувоҳлик беради ва ушбу тоифадаги бемор боалларни даволашда шу ўзгаришларни ҳисобга олиш заруратини юзага келтиради. Кўриш аъзоси функцияларини текшириш кўрсатдики, кўриш ўткирлиги 65 нафар (70,6%) беморларда 1,0, 18 нафар (19,6%) беморларда – 0,8-0,9; 9 нафарида (9,8%) – 0,5-0,7 ( $P<0,05$ ). Бунда, гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит ва гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритда, мос равишда, 2 та (3,7%) ва 16 та (42,1%) беморларда – 0,8-0,9. Кўриш ўткирлигининг 0,5-0,7 гача пасайиши фақат гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли 9 нафар (23,7%) беморларда қайд қилинди. Шаффоф гавҳар 66 та (71,7%) беморларда, орқа капсуладаги хиралашиш 14 нафар (15,2%) беморларда кузатилди, бунда гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморларнинг 14 тасида (36,8%), ўзак хиралашиши 12 тасида (13,1%), гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли беморларнинг 12 тасида (31,6%) ( $P<0,05$ ). Шишасимон тана 82 нафар (89,1%) беморларда патологиясиз бўлди, орқа гиалоид мембрана кўчиши 10 та (10,9%) беморларда, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли барча беморларда (26,3%), хориоидеи шиши – 17 тасида (18,5%), бунда гормонга сезгир сурункали гломерулонефритли 4 та (7,4%) ва гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефритли 13 та (34,2%) беморларда қайд қилинди. Олинган маълумотлар, кўрув нерви диски қон айланишидаги ишемик бузилишларда бир вақтнинг ўзида 41 (43,4%) беморларда тўр пардада томирлар сони камайиши, 54 (58,7%) беморларда томирлар шохланишининг бурчаклари катталаниши, 75 (81,5%) беморларда ҳам артериал, ҳам венуялр бўғинларнинг торайиши содир бўлишидан далолат беради ( $P<0,05$ ), бу транскапилляр алмашинув бузилишларига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, сурункали гломерулонефрит кўзиши босқичлари қанчалик ифодаланган бўлса, артериал томирлар шунчалик торайган бўлади. Аниқланганки, гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефрит оғир ва узоқ вақт кечганида томирлар калибрлари анча кўп ўзгарган. Кўриш ўткирлиги ҳам болаларда гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефрит анча узоқ вақт кечганида ҳам катта даражада камайган. Кўз туби ва кўз артерияси, тўр парданинг марказий артерияси ва ОКЦАда гемодинамика ўзгаришлари орасида корреляция боғлиқликлари ўрганилди (3-жадвал).



### 3-жадвал

**Сурункали гломерулонефритнинг турли кечиш вариантларида кўз артериясининг гемодинамикаси ва кўз тубидаги ўзгаришлар орасидаги корреляцияли ўзаро боғлиқлик (r).**

№	Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар	Сурункали гломерулонефритнинг турли вариантларида кўз тубидаги ўзгаришлар	
		гормонга сезгир сурункали гломерулонефрит	гормонга боғлиқ сурункали гломерулонефрит
1	Vmax	-0,88	-0,92
2	Vmin	-0,84	-0,89
3	RI	-0,79	0,86

3-жадвал маълумотларидан кўриниб туриптики, сурункали гломерулонефрит билан касалланган болаларда кўз тубидаги ўзгаришлар максимал ва минимал тезликлар ҳамда резистентлик индекси билан корреляция қилади. Масалан, кўз тубида ўзгаришлар бўлганда Vmax ва Vmin пасайиши, RI ошиши аниқланган. Худди шунга ўхшаш корреляция кўз туби ўзгаришларини тўр парданинг марказий артерияси ва ОКЦА гемодинамик параметрлари билан таҳлил қилганда ҳам аниқланди.

Олинган маълумотлар адабиёт маълумотлари билан мос келади (Плотникова Ю.А., Чупров А.Д, Линик ЛФ., Шпак АА. 2002, Малишевская 2007), уларда гипертоник касаллик, буйракларнинг сурункали етишмовчилигида кўз туби ўзгаришлари билан кўз артериясининг доплерографик кўрсаткичлари орасида аниқ боғлиқлик белгиланган

